

**Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2018 йил 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йил 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилда келиб тушган 3 012 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 492 таси қайтарилган бўлса, уларнинг 219 тасини эса қабул қилиш рад этилган, 1 390 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 140 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 49 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 241 таси бўйича раис ўринбосари томонидан рад жавоби берилган, 481 та иш бўйича эса, назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Мазкур 481 та ишнинг 423 таси назорат тартибидаги шикоятлар ва 58 таси протестлар асосида судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 284 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар ташкил этса, 197 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар ташкил этади.

2018 йилда судлов ҳайъати томонидан кўрилган жами ишларнинг 9 таси бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, қўшимча суриштирувга қайтарилган, 101 таси бекор қилиниб, биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 23 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кассация инстанцияси судига (шундан 8 таси апелляция инстанцияси судига) кўриш учун юборилган, 90 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 27 таси бўйича кассация (апелляция) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. 69 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 59 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 103 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 481 та ишнинг 146 тасини Тошкент шаҳар, 67 тасини Тошкент вилояти, 59 тасини Хоразм вилояти, 30 тасини Бухоро вилояти, 26 тасини Қашқадарё вилояти, 25 тасини Сурхондарё вилояти, 23 тасини Фарғона вилояти, 21 тасини Самарқанд вилояти, 20 тасини Наманган вилояти, 19 тасини Андижон вилояти, 14 тасини

Сирдарё вилояти, 12 тасини Жиззах вилояти, 10 тасини Навоий вилояти ва 5 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судлари суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг 100 фоиз, Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 96,2 фоиз, Фарғона вилояти маъмурий судларининг 91,3 фоиз, Самарқанд вилояти маъмурий судларининг 90,5 фоиз, Сирдарё вилояти маъмурий судларининг 85,7 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Олий суд маъмурий ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан ишларни кўриш натижалари бўйича жами 31 та хусусий ажрим (шундан 24 таси судларга нисбатан, 7 таси бошқа ташкилотларга нисбатан) ва 2 та тақдимнома чиқарилган.

Судлов ҳайъати томонидан 2 та Пленум қарори лойиҳалари тайёрланиб, улар муҳокама қилиниб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги ҳамда “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан “Маъмурий судлар томонидан 2017 йилнинг иккинчи ярми мобайнида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21-моддасини қўллаган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш билан боғлиқ суд амалиёти”, “Маъмурий судлар томонидан 2017 йилнинг иккинчи ярмида давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиёти”, “2016-2017 йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган енгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти” ва “Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддаси) билан боғлиқ 2017 йил 1 июндан 2018 йил 1 июлга қадар кўрилган маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти” умумлаштиришлари ўтказилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда МСИЮтК, МЖтК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг

қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори

1. Газ ташкилоти тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга ваколатли эмас. Газ ташкилоти ходимининг табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини далолатномага ёзганлиги, тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда газ ташкилоти ходимига нисбатан МЖтКнинг 241¹-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш ушбу Кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилади.

Шаҳар прокурорининг 2018 йил 11 апрелдаги қарорига асосан вилоят газ ҳудудий филиали туманлараро участкалар газ таъминоти балансини қайта ишлаш хизмати бошлиғи М.Н. филиал ходимлари Л.М. ва О.Д. билан биргаликда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси талабларини бузиб, вилоят газ ҳудудий филиали бошлиғининг тегишли буйруқсиз 2018 йил 22 февралда “Г” МЧЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб, амалдаги ҳужжатларга асосланмасдан тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб, унинг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган ва Л.М.нинг ҳаракатларида МЖтКнинг 241¹-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик аломатлари мавжуд деб ҳисобланиб, Л.М.га нисбатан МЖтКнинг 241¹-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Ушбу қарор иш билан бирга кўриб чиқиш учун маъмурий судга юборилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан Л.М. МЖтКнинг 241¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб унга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида 344 480 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати вилоят газ ҳудудий филиали тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга ваколатли бўлган орган бўлиб ҳисобланмаганлиги учун “Г” МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини текширмаган деб ҳисоблаган. Судлов ҳайъати вилоят газ ҳудудий филиали ходими Л.М.нинг табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини далолатномага ёзганлиги ҳолатини, “Г” МЧЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти текширилганлигини аниқлатмайди деган хулосага келган.

МЖтК 271-моддасининг 1-бандига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати йўқлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, МЖтК 271-моддасининг 1-бандига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

7-742-18-сонли иш

2. Суд томонидан ишни кўришда МЖтК нормалари талабларига тўлиқ риоя қилинган бўлиб, қарордаги хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ бўлса, юқори инстанция суди суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдиради.

Фуқаро О.Д. 2018 йил 12 февралда соат 14:30 ларда “Нексия” русумли давлат рақами 30 Р 222 АА бўлган транспорт воситасини бошқариб бораётиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган фуқаро Ш.Р. бошқарувидаги “Матиз” русумли давлат рақами 30 К 111 АВ бўлган транспорт воситасини йўлига чиқиб кетиб йўл-транспорт ҳодисасини содир этган.

Туман маъмурий судининг қарори билан О.Д.га нисбатан МЖтКнинг 133-моддаси билан 516 720 сўм жарима жазоси солинган ҳамда О.Д.дан Ш.Р. фойдасига 6 300 000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан туман маъмурий суди қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МЖтКнинг 307-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаши шарт.

Судлов ҳайъати туман суди ва кассация инстанцияси суди томонидан ишни кўришда МЖтКнинг 307-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилинган ва суд қарорларидаги хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ деб ҳисоблаган. Яъни, судлов ҳайъати О.Д.нинг маъмурий иш бўйича айби Ш.Р.нинг кўрсатувлари, ишда мавжуд бўлган тушунтириш хатлари, ҳодиса жойи чизмаси, суд-тиббий экспертизаси хулосаси, суд-хатшунослик экспертизаси хулосаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённома ва маъмурий ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган деган хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъати томонидан туман суди ва кассация инстанцияси судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

3. Ҳуқуқбузар йўловчи ташиш учун лицензияга эга бўла туриб, текширув вақтида уни тақдим эта олмаган бўлса, у МЖтКнинг 176³-моддаси билан эмас, балки МЖтКнинг 135-моддаси билан айбли деб топилади.

Фуқаро В.Р. 2018 йил 12 мартда ўзига тегишли “Дамас” русумли, давлат рақами 60 А 111 АА бўлган автотранспорт воситасида Асака шаҳридан тўрт нафар йўловчини 110 000 сўм эвазига Бекобод шаҳрига олиб кетаётган пайтида ЙПХ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ходимлари томонидан тўхтатилиб, ундан йўловчи ташиш учун лицензияни тақдим этиш сўралган-да, у лицензия ёнида эмаслиги сабабли уни тақдим эта олмаган. Мазкур ҳолат юзасидан Агентлик ходимлари томонидан далолатнома тузилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар В.Р. айбли деб топилиб, унга нисбатан МЖтКнинг 176³-моддаси билан энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорига, яъни 3 444 800 сўм жарима жазоси солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати В.Р.га тайинланган жазони МЖтК 176³-моддасидан 135-моддасининг биринчи қисмига қайта малакалашни ва суд қарорларини ўзгартиришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати туман суди ва кассация инстанцияси суди иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан, В.Р. ўз хатти-ҳаракатларини МЖтКнинг 176³-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни эмас, балки МЖтК 135-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлигига эътибор бермаган деб ҳисоблаган.

Аниқланишича, В.Р.га тегишли “Дамас” русумли, давлат рақами 60 А 111 АА бўлган автотранспорт воситасида йўловчи ташиш учун Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бошқармаси томонидан 2018 йил 15 январда АТ № 2222222-сонли лицензия варақасига асосан унга 2018 йил 15 январдан 15 апрелга қадар йўловчиларни енгил автомобилларда ташиш учун рухсат берилган. Бироқ ЙПХ ва Агентлик ходимлари томонидан В.Р. тўхтатиб текширилганда, унинг ёнида унга берилган лицензия бўлмаган.

МЖтК 135-моддасининг биринчи қисмида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (ушбу Кодекс 135¹-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), **қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия**

карточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шу сабабли судлов ҳайъати В.Р.ни МЖТК 135-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топиб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, унга нисбатан 86 120 сўм жарима жазосини тайинлаган.

7-718-18-сонли иш

4. Ҳуқуқбузар транспорт воситасини бошқараётганда алкоғолли ичимликдан мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтишдан бош тортган бўлса-да, шифокор унинг енгил даражада маст эканлиги ҳақида хулоса берганда, ҳуқуқбузар МЖТКнинг 131-моддаси билан эмас, балки МЖТКнинг 136-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Фуқаро Р.Р. 2018 йил 12 февралда соат 05:10 ларда “Ласетти” русумли, давлат рақами 60 V 222 АА бўлган транспорт воситасини Навоий кўчасида бошқариб кетаётганида, у шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходими томонидан спиртли ичимлик ичганликда гумон қилиниб тўхтатилган. У тиббий кўриқдан ўтказиш учун олиб борилганда, ранопорт усули билан текшириш мақсадида унга индикатор трубкаси пуфлаш учун тақдим этилган. Аммо у трубкани пуфлашдан бош тортиб, қон ва сийдикдан анализ топширишини билдирган. Унга қандай ҳолатларда қон ва сийдикдан анализ олиниши тушунтирилиб, қон ва сийдикдан анализ олинмаган. Шифокор томонидан у алкоғолдан енгил даражада мастлиги тўғрисида хулоса берилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.Р. МЖТК 131-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилган ва унга нисбатан икки йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати мазкур ҳолатда, Р.Р.нинг алкоғолли ичимликдан маст ҳолатда бўлган ёки бўлмаганлиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказилмасдан шифокор хулосаси берилганлиги учун унинг ҳаракатларида МЖТК 131-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик мавжуд эмас деб ҳисоблаган ва унинг ҳаракатларини МЖТК 136-моддасининг биринчи қисмига қайта малакалашни лозим топган.

МЖТК 136-моддасининг биринчи қисмига кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда

аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгартириб, Р.Р.нинг ҳуқуқбузарлиги учун белгиланган жавобгарликни МЖтК 131-моддасининг биринчи қисмидан МЖтК 136-моддасининг биринчи қисмига қайта малакаланган ва унга нисбатан шу модда билан икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

680-18-сонли иш

5. МЖтК 101-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ушбу Кодекснинг 245³-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига тааллуқлидир. Шу сабабли шахс томонидан МЖтКнинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, унга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш бўйича Мажбурий ижро бюросининг ўзи томонидан тегишли қарор қабул қилинади.

Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ва электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан “Фаровон” қишлоғида яшовчи фуқаро Л.М. ўзининг яшаш хонадонида ноқонуний равишда, яъни ўзбошимчалик билан ҳисоблагичсиз электр энергиясидан фойдаланиб келаётганлиги аниқланган. Бу ҳақда 2018 йил 22 мартда далолатнома расмийлаштирилган. Аниқланган ҳолат юзасидан 2018 йил 30 мартда Л.М.га нисбатан МЖтКнинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган. Л.М. тузилган баённомага имзо қўйишдан бош тортган.

Ушбу баённома ва бошқа иш материаллари кўриб чиқиш учун 2018 йил 5 апрелда маъмурий судга юборилган.

Туман судининг қарорига асосан Л.М. МЖтКнинг 101-моддаси билан айбли деб топилиб, МЖтКнинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 172 240 сўм жарима жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МЖтКнинг 245³-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ушбу Кодекснинг 101-моддасида (умумий фойдаланишдаги электр ва газ тармоқлари ҳамда электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

МЖТКнинг 310-моддасига асосан орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Аммо Л.М.га нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани кўриб чиқишга ваколатли бўлган Мажбурий ижро бюроси туман бўлими бошлиғи ўзининг ваколатлари доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқмаган ва иш бўйича МЖТКнинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини қабул қилмасдан, ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор қилганлиги важи билан шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун ишни судга юборган.

Бундан ташқари Мажбурий ижро бюроси содир этилган ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод қилиш ёки енгилроқ жазо қўллаш тўғрисида асослар борлиги ҳақидаги ҳулосани ҳам тақдим қилмаган.

Бинобарин, мазкур ҳолатда, ушбу тоифадаги маъмурий ишни кўриб чиқиш маъмурий судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли МЖТКнинг 303¹-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга қайтарилиши лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш материалларини туман маъмурий суди орқали Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига қайтаришни лозим топган.

830-18-сонли иш

II. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларга оид ишлар бўйича суд амалиёти обзори

6. Таълим муассасаси ва талабалар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўлиб ҳисобланмаганлиги сабабли, таълим муассасаси раҳбарининг хатти-ҳаракатлари ва унинг буйруғи юзасидан келиб чиққан низолар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас. Бундай ариза билан маъмурий судга мурожаат қилинганда, иш бўйича иш юритиш тугатилади.

Фуқаро Б.У. институт ректорининг 2017 йил 22 мартдаги 333-сонли буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилган. Б.У. институт ректори номига ариза билан мурожаат қилиб уни талабалikka қайта тиклашни сўраган. Бироқ, унинг мурожаатига институт ректори томонидан рад жавоби берилган.

Шу сабабли Б.У. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, институт ректорининг Б.У.ни талабаликка қайта тиклашни рад этишда ифодаланган ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни, унинг зиммасига 2017 йил 22 мартдаги 333-сонли буйруғини бекор қилиш ва Б.У.ни ўқишга қайта тиклаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан институт ректорининг Б.У.ни талабаликка қайта тиклашни рад этишда ифодаланган ҳаракати қонунга хилоф деб топилган, унинг зиммасига 2017 йил 22 мартдаги 333-сонли буйруғини бекор қилиш ва Б.У.га ўзлаштирмаган фанлари бўйича имтиҳонларни қайта топширишга рухсат бериш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш рад этилган.

Институт давлат таълим муассасаси бўлса-да, у маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи ташкилот бўлиб ҳисобланмайди.

Шу сабабли судлов ҳайъати институт ва талабалар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўлиб ҳисобланмаслиги боис, Б.У.нинг аризасидаги талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас деган хулосага келган.

МСИЮТК 108-моддасининг 1-бандига кўра, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.

124-18-сонли иш

7. Маъмурий судга маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассасанинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, бундай талаб маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун аризани қабул қилиш рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш тугатилади.

Фуқаро Р.К. давлат корхонасига мурожаат қилиб, ишчи хизматчиларга уй-жой ажратиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан таништиришни сўраган. Давлат корхонаси масъул ходими томонидан Р.К.га турар жой ажратиш имконияти мавжуд эмаслиги маълум қилиниб, мурожаат қаноатлантирилмаган.

Шу сабабли Р.К. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Р.К.нинг ахборот олиш ҳуқуқи бузилганлиги важи билан давлат корхонаси масъул ходимининг ишчи хизматчиларга уй-жой ажратиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан таништирмасликда ифодаланган ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати давлат корхонаси маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи ташкилот бўлиб ҳисобланмаганлиги, шунингдек корхона ва унинг ходими ўртасидаги ижтимоий муносабатлар оммавий ҳуқуқий муносабат бўлиб ҳам ҳисобланмаганлиги учун у маъмурий суд судловига тааллуқли эмас деган хулосага келган.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 15-сонли қарори 3-бандининг учинчи қисмига кўра, агар **ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.**

МСИЮтК 108-моддасининг 1-бандига кўра, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, иш бўйича иш юритишни тугатган.

1539-18-сонли иш

8. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, ариза Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 269-моддасида кўрсатилган асослардан бири бўлгандагина қаноатлантирилиши мумкин. Акс ҳолда, бундай аризани қаноатлантириш рад этилади.

Туман ҳокимининг 1995 йил 16 августдаги 333-сонли қарори билан Навоий кўчасидаги 55-уйга нисбатан фуқаро Р.Д.нинг эгалик ҳуқуқи белгиланган. Р.Д. 1998 йил 18 мартда вафот этган. Кейинчалик, 2006 йил 11 апрелда нотариал идора томонидан марҳум Р.Д.га тегишли бўлган низоли уй-жойга унинг турмуш ўртоғи Л.Д. меросхўр деб топилган. Унга “Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги гувоҳнома ва биргаликда орттирилган мулкларининг $\frac{1}{2}$ қисмига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги тўғрисида гувоҳнома берилган.

Марҳум Р.Д. ва унинг турмуш ўртоғи Л.Д.нинг биргаликдаги турмушларидан 4 нафар фарзандлари бўлган. Уларнинг фарзанди, яъни ўғли фуқаро Ф.Д. фуқаро Л.К. билан 2003 йил ўзаро турмуш қуришиб, қонуний

никоҳдан ўтишган. Уларнинг турмушларидан 2006 йил 5 августда А.Д. исмли фарзанд туғилган. Ф.Д. 2008 йил 11 апрелда вафот этган.

Марҳум Ф.Д.нинг фарзанди А.Д. номидан унинг онаси Л.К. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, марҳум Р.Д.дан қолган низоли уй-жойга унинг турмуш ўртоғи Ф.Д. ҳам қонуний меросхўрлардан бири бўлса-да, нотариал идора томонидан у меросхўр деб топилмасдан, фақат Л.Д. меросхўр деб топилиб, Ф.Д.нинг ҳуқуқлари бузилганлигини важ қилиб, Л.Д. номига берилган 2006 йил 11 апрелдаги “Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Аризачи Л.Д. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция суди томонидан иш у ва унинг фарзанди тегишли тартибда хабардор қилинмасдан, уларнинг иштирокисиз кўриб чиқилганлигини важ қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишни сўраган.

Биринчи инстанция суди суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириб, ўзининг 2018 йил 16 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, 2018 йил 20 апрелда аризачининг аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.

Фуқаро Л.К. кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, суднинг 2018 йил 16 апрелдаги ажримини бекор қилишни сўраган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 14 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2018 йил 16 апрелдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

МСИЮТКнинг 269-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун:

1) суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, била туриб нотўғри таржима қилинганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган бўлса ва улар мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) маъмурий суднинг ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг, жиноят ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги асос бўлиши белгиланган.

Бироқ биринчи ва кассация инстанция судлари Л.Д.нинг суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасида ушбу Кодексида белгиланган бирор-бир асослар мавжуд бўлмаса-да, ишда манфаатдор шахслар қатнашмаганлиги ва уларнинг иштироки таъминланмаганлиги асоси билан аризани қаноатлантириб нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг 2018 йил 16 апрелдаги ажримини ва кассация инстанцияси судининг 2018 йил 14 майдаги қарорини бекор қилиб, Л.Д.нинг суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришни рад этган.

1656-18-сонли иш

9. Низони ҳал этишда низо келиб чиққан соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Фуқаро К.Н. вазирнинг 2017 йил 22 февралдаги 111-сонли буйруғига кўра штатлар қисқарганлиги муносабати билан резервга бўшатиш билан К.Н. 10 йилдан кам муддат хизмат қилганлиги сабабли унинг ўқиш ва меҳнат стажлари ҳарбий хизматга қўшилмаган. Комиссия бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 19-бандига асосланган.

Низомнинг ушбу бандига кўра, ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган ва календарь ҳисобда 10 йилдан кам бўлмаган хизматни ўтаган офицерларга бўшатишда ҳақиқий хизматига олий таълим муассасаларида кундузги ўқитиш шаклида ўқиган вақти, ҳарбий-ҳисоб ихтисослигига мувофиқ бўлган лавозимлардаги меҳнат стажи ҳақиқий хизмат муддатига ҳисобга олиниши белгиланган.

Шу сабабли фуқаро К.Н. судга ариза билан мурожаат қилиб, вазирлик махсус комиссиясининг 2017 йил 29 апрелдаги 47-сонли қарорининг К.Н.га тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан шикоятни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган офицерларга олий таълим муассасасидаги ўқиш ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган

лавозимлардаги иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Мазкур ҳолатда, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган юқоридаги Низомга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги учун, судлов ҳайъати “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасини қўллаб, К.Н.нинг олий таълим муассасасидаги ўқиш ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланиши лозим деган хулосага келган.

Шу боис судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, вазирлик махсус комиссиясининг 2017 йил 29 апрелдаги 47-сонли қарорининг К.Н.га тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топган.

1027-18-сонли иш

10. Давлат ижрочиси тадбиркорлик субъектининг қарздорлиги бўйича ундирувни унинг ҳисоб рақамларига қаратишда ундирув қаратилиши мумкин бўлган ҳисоб рақамларини аниқлаши, шундан сўнг унинг ҳисоб рақамларини хатлаши лозим. Давлат ижрочиси тадбиркорлик субъектининг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган ҳисоб рақамини хатлаганда, суд манфаатдор шахснинг шикоятига асосан унинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиб, унинг зиммасига қарздорлик бўйича ундирувни бундай ҳисоб рақамига қаратмаслик мажбуриятини юклайди.

Вилоят иқтисодий судининг суд буйруғига асосан қарздор “С” МЧЖдан “Н” МЧЖ фойдасига 900 000 000 сўм ундирилган. Суд буйруғига асосан Мажбурий ижро туман бўлимининг давлат ижрочиси томонидан ижро иши қўзғатилган. Давлат ижрочисининг 2018 йил 15 мартдаги қарори билан “С” МЧЖнинг Банкнинг вилоят филиалидаги барча турдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағларига ундирув қаратилиши белгиланган. “С” МЧЖнинг АТБ “Асакабанк” вилоят филиалида баланс рақами

22626 бўлган ҳисоб рақами бўлиб, ундирув унинг мазкур ҳисоб рақамидаги пул маблағларига ҳам қаратилган.

Шу сабабли “С” МЧЖ судга мурожаат қилиб, давлат ижрочисининг баланс рақами 22626 бўлган ҳисоб рақамига ундирувни қаратиш билан боғлиқ ҳаракатини қонунга ҳилоф деб топишни ва бузилган ҳуқуқини тиклаш учун суд ижрочиси зиммасига баланс рақами 22626 бўлган ҳисоб рақамига қарздорлик бўйича ундирувни қаратмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан шикоятни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддасига кўра, суд ижрочисида қарздорнинг хатлаш мумкин бўлган ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида ахборот бўлмаганда, суд ижрочиси бундай ҳисобварақни аниқлаш тўғрисида банк ёки бошқа кредит ташкилотига ёзма сўров юборади. Суд ижрочисининг ёзма сўрови келиб тушганда банк ёки бошқа кредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ҳисобварақни аниқлайди ва бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмай суд ижрочисига маълум қилади.

Ушбу Қонун талабидан келиб чиқиб, давлат ижрочиси “С” МЧЖнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган ҳисоб рақамини аниқлаши ва ундирув қаратилиши мумкин бўлган ҳисоб рақамларига ундирувни қаратиши лозим бўлган.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 1-иловасига кўра, баланс рақами 22626 бўлган “С” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ундирув қаратилиши мумкин бўлмаса-да, давлат ижрочиси ушбу ҳисоб рақамига ҳам ундирувни қаратган.

Ваҳоланки, ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига кўра, баланс рақами 22626 (Қорхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари), 23210 (Молия вазирлиги фондларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар), 23220 (Молия вазирлиги фондидан олинган мақсадли маблағлар) бўлган ҳисоб варақалар қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилмайдиган банк ҳисобварақлари этиб белгиланган.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман суди ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, давлат ижрочисининг баланс рақами 22626 бўлган ҳисоб рақамига ундирувни қаратиш билан боғлиқ ҳаракатини қонунга ҳилоф деб топган ва давлат ижрочиси зиммасига баланс рақами 22626 бўлган ҳисоб рақамига қарздорлик бўйича ундирувни қаратмаслик мажбуриятини юклаган.

